

**Илгари судланган шахслар томонидан содир этиладиган  
жиноятларнинг сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитлар**

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси магистратура  
тингловчиси. А.Ў. Хайдаров\**

**Таянч тушунчалар:** илгари судланган, рецедив жиноятчи шахс, жиноятчилик сабаблари, жиноятчи шахс, ижтимоий ва ҳуқуқий омиллар, ижтимоий руҳий-муҳит, жиноятнинг даражаси, тузилиши, динамикаси.

**Аннотация.** Мақолада илгари судланган шахслар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитлар таҳлил қилинган ҳамда ушбу турдаги жиноятларни барвақт олдини олиш бўйича фикр ва мулоҳазалар билдирилган.

**Причины преступлений, совершенных лицами, ранее  
судимыми, и условия, сделавшие это возможным**

**Основные понятия:** ранее судимый, преступник-рецидивист, причины преступности, криминальные, социальные и правовые факторы, социально-психологическая среда, уровень, структура, динамика преступности.

**Аннотация.** В статье анализируются причины преступлений, совершенных ранее судимыми лицами, и условия, которые сделали это возможным, а также мнения и комментарии по вопросам ранней профилактики данного вида преступлений.

**The causes of crimes committed by persons with previous convictions and the condition that made this possible**

*Keywords:* previously convicted, repeat offender, causes of crime, criminal, social and legal factors, socio-psychological environment, level, structure, dynamics of crime.

*Annotation.* The article gives an opinion regarding the causes and conditions of domestic violence, the prerequisites for its occurrence, the person committing violence and the psychological characteristics of persons affected by violence, as well as measures to prevent it.

Жиноятчилигининг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон бераётган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида унинг салбий оқибатларини камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, «рецидив жиноятчилик муаммоси – энг аввало алоҳида жиноятчилар тоифаларининг муаммосидир»<sup>1</sup>.

А.И.Алексеев таъкидлаганидек, қайта жиноятларнинг содир этилишига имкон берадиган қатор шарт-шароитлар муайян вазият билан боғлиқ ҳолда содир этилади. Жамиятга қарши қаратилган қарашларнинг барқарор бўлган тизими объектив ва субъектив сабаблар таъсирида шаклланади<sup>2</sup>.

Илгари судланган шахслар жиноятчилиги ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, унинг содир этилишида ижтимоий ва ҳуқуқий омиллар муҳим аҳамият касб этади. Ижтимоий омиллар ўз ичига жиноятчиликнинг сабаб ва шарт-шароитларини, жиноятчи шахсининг демографик маълумотлари, белгиларини қамраб олса, ҳуқуқий омиллар – жиноят қонунчилигига асосан жиноят содир этган жиноятчи шахсга нисбатан жазонинг муқаррарлигини

---

<sup>1</sup> Алексеев А.И. Индивидуальная профилактика рецидива преступлений. –М., 1975. –С. 30

<sup>2</sup> Абаджян А.В. Пенитенциарная преступность: детерминизм, антикриминогенное воздействие: Автореф. дис. канд. юрид. наук. М., 2001. –С. 10-16.

таъминлаш ёхуд енгиллаштириш ва қилмишни квалификация қилишдаги ёндашувларни қамраб олади.

Рецидив жиноятчиликнинг ҳам умумий, ҳам махсус характерга эга бўлган муайян сабаб ва шарт-шароитларнинг мавжудлиги билан боғлиқ бўлади. Биринчи гуруҳга умуман жиноятчиликка хос бўлган сабаблар ва шарт-шароитлар киради, иккинчи гуруҳга эса – рецидив жиноятчиликка таъсир қиладиган ҳолатлар киради. Шу билан бирга, айрим юридик адабиётларда рецидив жиноятчиликнинг ўзига хос, махсус сабаблари мавжуд эмаслиги ҳам кўрсатиб ўтилган<sup>3</sup>. Бизнинг назаримизда рецидив жиноятчиликнинг содир этилишида умумий ва махсус характерга эга муайян сабаб ва шароитлар мавжуд.

Айрим юридик адабиётларда илгари судланган шахсларнинг жиноятларни содир этиш сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитлар хусусида сўз юритилганда, улар умумий маънода «жиноятларни юзага келтирувчи омиллар» сифатида ҳам эътироф этилиб, бу борада «жиноятчиликни вужудга келтирувчи омиллар», «жиноятга имкон бераётган омиллар»<sup>4</sup>, «жиноят жараёнига таъсир кўрсатувчи криминологик омиллар»<sup>5</sup>, «жиноятнинг сабабий омиллари»<sup>6</sup> тушунчаларидан фойдаланилганлиги кўзга ташланади.

Сабаб ва шарт-шароитнинг ўзи нима? деган саволга жавоб топиш зарур. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да сабаб, шароит, шарт каби

т

у

ш

у

---

Н <sup>3</sup>Городнянская В. В. Постпенитенциарный рецидив: монография / В. В. Городнянская. – М.: Юрлитинформ, 2012. – С. 168.

Ч <sup>4</sup>Фазилов И.Ю. Одам савдосига қарши курашнинг жиноят-хукукий ва криминологик муаммолари: Монография. – Т., 2016. – Б. 169.

а <sup>5</sup>Мирзараимов

И.М. Жиной фаолиятдан олинган даромадларни ошкорлаштиришни олдини олишнинг жиноят-хукукий ва криминологик қоралари: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Т., 2003. – Б. 12.

Д <sup>6</sup>Змановская Е.В. Профилактика девиантного поведения молодежи: Учебное пособие. – СПб., 2010. – С. 62.

р <sup>7</sup>Ўзбек тилининг изоҳли луғати / 80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси / [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com).

г

а

этилиш сабаблари ва уларга имкон берувчи омиллар муаммоси ҳар қандай криминологик тадқиқотда у ёки бу тарзда кўриб чиқилади. Чунки, у криминологиянинг муҳим муаммоларидан биридир<sup>8</sup>, дейди.

Ҳуқуқий адабиётларда сабабнинг ўзи шарт-шароит билан ўзаро таъсир орқали намоён булади ва оқибатни келтириб чиқаради<sup>9</sup> деб қайд этилган.

Фикримизча, жиноятчилик сабаблари – жиноятчиликнинг содир этилишини тақозо этадиган, уни озиклантирадиган, кўпайишини таъминлайдиган воқеа, ҳодиса ва жараёнларнинг йиғиндисидир. Жиноятчилик шароитлари деганда жиноятчиликни содир этилишини тақозо этмайдиган уни келтириб чиқармайдиган, бироқ унинг содир этилишига кўмаклашадиган воқеа, ҳодиса ва жараёнлар мажмуини тушуниш лозим.

Криминология оид таълимотларда илгари судланган шахсларнинг жиноятчилигисабаблари ҳақида турли қарашлармавжуд. Ушбу қарашлар жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий, маънавий соҳаларда мавжуд муаммолар, низолар ва зиддиятлар билан изоҳланади. Уларда жиноятчилик сабаблари ва уларга имкон берган шароитларни тушунтиришда икки хил ёндашув кўзга ташланади.

*Биринчиси*, – жиноятчилик сабаблари ва уларга имкон берган шароитларнинг ижтимоий ҳодисалар билан боғлиқлигидир. Бунда жиноятчиликсабаблари ва унга имконберганшароитлар объектив васубъективтурларгабўлинади. Объектив сабабвашарт-шароитларинсонингиродасиваонгигабоғлиқбўлмагантарздамавжудбўлади, шу боисуларнибартарафқилиббўлмайди, аммоуларничеклаш, бирқисминизарарсизлантириш, уларнингсалбийоқибатлариникамайтириш, яъниуларниназоратқилишвауларгатаъсиркўрсатишмумкин.

---

<sup>8</sup>Джурова Н. Вояга етмаган шахсларни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этишнинг сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитлар // Вояга етмаганларнинг ишларини юритиш масалалари: Илмий-амалий конференция материаллари. – Т., 2012. – Б. 118.

<sup>9</sup>Исмоилов Н.Т. Вояга етмаганлар жиноятларининг индивидуал олдини олиш муаммолари: Юрид. фан. номз. ...дис. – Т., 2006. – Б. 44.

Субъектив сабаблар ва шарт-шароитлар одамларнинг муайян мақсад йўлидаги фаолиятига тааллуқли ва боғлиқ бўлиб, одатда ушбу фаолиятдаги

Иккинчи ёндашувга жиноятчиликнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берган шароитлар инсон, ижтимоий гуруҳ, жамият ҳаётининг субъективсоҳаси билан боғлиқ масалаларга бўлинади. Криминологияда сабаб ҳар доим оқибат билан бевосита боғлиқ бўлиб, ундан ҳеч қандай оралиқ бўғинлар билан ажралмаган. Оқибатнинг энг яқин (бевосита) сабабигина сабаб, деб аталишга лойиқдир. Жиноятчилик (ва жиноят)нинг бундай бевосита сабаби субъектив омил, яъни индивидумлар, ижтимоий гуруҳлар психологиясидаги нуқсонлардир. Айнан улар жиноятчиликнинг

Жиноятчилик сабабларининг ижтимоий-психологик детерминантларига: ижтимоий психология ва шахс психологиясидаги ваддиятлар; шахсда жиноий хулқнинг шаклланишига имкон берувчи шароитлар эса оила, яқин атрофидагиларнинг, мактабдаги, ишлаб чиқаришдаги, маиший тарбиянинг, ташкилий бошқарувга оид хато ва камчиликларнинг салбий таъсири сингари ҳодисалар киради.

Маълумки, жиноятчиликнинг сабабларини илмий жиҳатдан ўрганиш ва таҳлил қилишга нисбатан бўлган ушбу ёндашув жиноятчиликни келтириб чиқарувчи ижтимоий-руҳий сабаблар билан боғлиқдир. Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида илмий диагнозлар қўйиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Шарт-шароитлар эса макро ва микро муҳитда ўз ифодасини топади. Бунда микромуҳитга асосий эътибор қаратилади, чунки индивид ана шу муҳитда ижтимоийлашади. Фикримизча, такрорий жиноятчиликнинг сабаблари ва унга имкон берган шароитларни тушунтиришга иккинчи

ю

---

<sup>10</sup>Бу ҳақда қаранг: Сахаров А. Б., Саркисов Г. С. Проблема преступности в современных условиях. – Вреван, 1991. – С. 65–66.

<sup>11</sup>Кузнецова Н. Ф. Проблемы криминологической детерминации. – М., 1984. – С. 13.

в

а

в

ёндашув афзалроқдир, чунки рецидив жиноятчиликнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берган шароитлар инсон, ижтимоий гуруҳ, жамият ҳаётининг субъектив соҳаси билан бевосита боғлиқдир.

Тадқиқот жараёнида ўтказилган социологик сўровда «Такрорий жиноятчиликни содир этилишининг сабаби нима?» деб сўралганида уларнинг 72,5 фоизи шахснинг доимий иш ўринларига эга эмаслиги, 10,4 фоизи салбий одатлар ва жиноий ҳуқ-атвор, 9,4 фоизи носоғлом-турмуш тарзи кечириш ва оилада муҳитнинг носоғломлиги, 10,6 фоизи ота-она ва бошқа яқинларининг эътиборсизлиги, деб жавоб беришган.

Криминолог олимларнинг фикрича, рецидив жиноятчиликка қарши курашишда унинг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, жиноятчилик ҳуққининг олдини олиш тадбирлари самарадорлиги, таъсирчанлиги, энг аввало, жиноятчи шахсда ижобий фазилатларнинг, ижтимоий фойдали эҳтиёж ва қизиқишларнинг шаклланишига боғлиқ бўлади<sup>12</sup>.

Ж.С.Мухторов таъкидлаганидек, ижтимоий-фойдали фаолиятдан йироқ шахслар бундай ҳолатда жамиятга зид турмуш кечирувчи, жиноят содир этишга мойил шахслар таъсирига тушиб қоладилар ёки уларнинг ўзлари бошқаларни, айниқса вояга етмаганларни жиноят содир этишга ундайдилар<sup>13</sup>. Чунки, «хуқуқбузарликлар ўз-ўзидан содир этилмайди. Асосий масала хуқуқбузарликларнинг оқибатлари билан курашиш эмас, балки барвақт олдини олиш, содир этишга имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни ўз вақтида бартараф этишдан иборатдир»<sup>14</sup>.

Юридик адабиётларда таъкидланганидек, «сабаблар, ўз мазмунига кўра, ижтимоий-психологик ҳолатлар бўлса, шароитлар эса иқтисодий,

---

<sup>12</sup>Турсунова О.А.Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича профилактик чора-тадбирлар // Хуқуқшунослик истиқболлари: Илмий мақолалар тўплами. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б. 227.

<sup>13</sup>Мухторов Ж.С.Жиноятларнинг олдини олишда маъмурий назоратнинг аҳамияти // Хуқуқшунослик истиқболлари: Илмий мақолалар тўплами. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б. 97.

<sup>14</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 15 ноябрь куни ўтказилган хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида белгиланган вазифалар ижроси, бу борада мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги нутқи // Халқ сўзи. – 2017. – 15 ноябр.

сий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан юзага келувчи ҳолатлар ҳисобланади»<sup>15</sup>.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалар ва криминологик тадқиқотлар натижаларига асосланган ҳолда айтиш мумкинки, илгари судланган шахслар жиноятчилигининг сабаблари деганда, жиноятчиликнинг содир этилишини тақозо қиладиган, уларни озиклантирадиган, кўпайишини таъминлайдиган ҳодиса, воқеа ва жараёнларнинг йиғиндиси; илгари судланган шахслар жиноятчилиги шароитлари деганда ушбу турдаги жиноятларни бевосита келтириб чиқармайдиган, лекин уларнинг содир этилишига кўмаклашадиган ҳодиса, воқеа ва жараёнларнинг мажмуи тушунилади.

Ҳар қандай ҳуқуқбузарликлар каби, рецидив жиноятчиликнинг сабаб ва шароитларини бир-биридан ажратиш ҳам мураккаб жараён бўлиб, фақатгина муайян шахснинг қилмишини нима келтириб чиқарганини ва нима унинг келиб чиқишига кўмаклашганини аниқлаш мумкин бўлади. Чунки, у ёки бу ҳодиса, воқеа ёки жараён айрим ҳолатда сабаб сифатида ҳаракат қилса, бошқа вазиятда эса шароит сифатида намоён бўлади<sup>16</sup>.

Айрим юридик адабиётларда рецидив жиноятчиликнинг қуйидаги сабаб ва шароитлари ўрганилган: а) шахсга ижтимоий руҳий-муҳитнинг салбий таъсири; б) ишсизлик, моддий етишмовчилик; в) спиртли ичимлик ёки гиёҳвандликка ружу қўйиш; д) илгари судланган шахслар билан етарли

д  
а Рецидив жиноятчилигининг сабабларини шартли равишда қуйидаги руҳларга ажратилган: а) носоғлом маънавий-руҳий ҳолат; б) маънавий-ахлоқий тарбиянинг заифлиги ёки сустлиги; в) ғайриижтимоий хулқ-атворга жалик; г) моддий етишмовчилик ва қийинчиликлар; д) спиртли ичимликка

---

<sup>15</sup> Kriminologiya. Umumiy qism: IV oliy ta'lim muassasalari uchun darslik / I. Ismailov, Q.R. Abdurasulova, I.Yu. Fazilov. — T.: O'zbekiston Respublikasi IV Akademiyasi, 2015. — B. 83.

<sup>16</sup> Kriminologiya. Umumiy qism: IV oliy ta'lim muassasalari uchun darslik / I. Ismailov, Q.R. Abdurasulova, I.Yu. Fazilov. — T.: O'zbekiston Respublikasi IV Akademiyasi, 2015. — B. 83.

<sup>17</sup> Хисамутдинов Ф. Р. Особенности предупреждения профессиональной и рецидивной преступности (история и современность) / Ф. Р. Хисамутдинов, А. Е. Шалагин // Вестник Казанского юридического института МВД России. — 2014. — № 4(18) — С. 55.

ружу қўйиш<sup>18</sup>. Мазкур сабабларни жиноятчиликни келтириб чиқарувчи асосий сабаб ва шароитлар деб изоҳлаш мумкин.

Оилада низоларни келтириб чиқарувчи сабабларни шартли равишда қуйидаги гуруҳларга ажратилган: а) оиладаги носоғлом маънавий-руҳий муҳит; б) оиладаги маънавий-ахлоқий тарбиянинг заифлиги ёки сустлиги; в) оила аъзоси (аъзолари)да мавжуд бўлган ғайриижтимоий хулқ-атвор; г) оиладаги моддий етишмовчилик ва қийинчиликлар; д) оила аъзоси (аъзолари)нинг спиртли ичимликка ружу қўйиши; е) асосиз (меъёридан ортиқ) рашк, эркак ва аёлнинг хиёнати; ж) эрта турмуш куриш, ёш оиладаги

м

н Жиноятларнинг содир этилишига маънавият даражасининг пастлиги; ишсизликнинг юқорилиги; жамиятдаги оила-никоҳ муносабатларининг деформацияси; шахснинг ижтимоийлашувидаги нуқсонлар, шахслараро муносабатлар маданиятининг пастлиги, алкоголизм, биёҳвандлик рецидив жиноятчиликни келтириб чиқарувчи асосий омиллардан<sup>20</sup> биридир.

т Илгари судланган шахслар жиноятчилигининг асосий сабаблари қуйидагилар билан боғлиқ:

а а) оиладаги носоғлом ижтимоий муҳитнинг таъсирида шахснинг маънавий-руҳий жиҳатдан шаклланишига ва унда жинойий хулқ-атворнинг пайдо бўлишига таъсир кўрсатади. Зеро, носоғлом ижтимоий-руҳий муҳитдаги шахснинг турмуш тарзи ёки шундай ҳолатда намоён бўлувчи салбий ҳаракатлари муайян жиноятларнинг содир этилишига олиб келади.

н

о

ў

Р <sup>18</sup>Қаршиев *F.C.* Ёшлар рецидив жиноятчилигининг криминологик тавсифи ва профилактикаси: Юрид. фан. д-ри (PhD) ... дис. – Т., 2020. – Б. 39.

И <sup>19</sup>Муродов *A.Ш.* Ички ишлар органларининг оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш: Юрид. фан. д-ри (PhD) ... дис. – Т., 2019. – Б. 39.

Н <sup>20</sup>Утециязов *М.К.* Вояга етмаганлар гиёҳвандчилигининг олдини олиш муаммолари: Юрид. фан. номз. ...дис. – Т., 2004. – Б.53-90.

а

р



б) шахснинг гиёҳвандлик ва ичкиликбозликка ружу қўйганлиги, шахснинг таълим-тарбияси, ҳуқуқий онг ва маданиятининг пастлиги, масъулиятсизлик, оилага бефарқлик, лоқайдлик;

в) ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмайдиган шахслар жамиятга зид турмуш кечирувчи ёки жиноят содир этишга мойил шахсларнинг таъсирига тушиб турли кўринишдаги жиноятларни содир этади.

г) жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахслар билан ҳудудий профилактика инспектори ва маҳалла фуқаролар йиғини раислари томонидан тарбиявий аҳамиятга эга бўлган профилактик ишларнинг етарли даражада олиб борилмаслиги.

д) оила, маҳалла, корхона, ташкилот ва муассасаларда жамиятдаги ижтимоий-руҳий муҳитни соғломлаштириш, жиноят содир этишга олиб келувчи криминоген омилларнинг таъсирини йўқотиш ва кучсизлантириш борасидаги ишлар етарли даражада эмаслиги.

е) ғайриижтимоий салбий хулқ-атвор оқибатида шахснинг ахлоққа ва қонунга зид ҳатти-ҳаракатларни содир этишга мойиллигининг юқорилиги.

ё) ишсизлик, оилада етишмовчилик, моддий муҳтожлик, шахсдаги салбий хулқ-атвор, агрессивлик, совуққонлик.

ж) шахсдаги ғайриижтимоий салбий хулқ-атворни камайтириш, тузатиш, тўғри фикрлашни ўргатиш борасида маҳалла, оила аъзолари ва кўни-қўшниларининг бефарқ бўлганлигини кузатиш мумкин.

Юқорида қайд этилган илгари судланган шахслар томонидан такрорий жиноят содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида ушбу турдаги жиноятчиликни барвақт олдини олиш

ва баргараф этишга қаратилган самарали чора-тадбирларни белгилаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Алексеев А.И. Индивидуальная профилактика рецидива преступлений. –

М., 1975. –С. 30

2. Абаджян А.В. Пенитенциарная преступность: детерминизм, антикриминогенное воздействие: Автореф. дис. канд. юрид. наук. М., 2001. –С. 10-16.

3. Городнянская В. В. Постпенитенциарный рецидив: монография / В. В. Городнянская. –М.: Юрлитинформ, 2012. – С. 168.

4.<sup>1</sup> Фазилов И.Ю. Одам савдосигақаршиқурашнинг жиноят-хуқуқий ва криминологик муаммолари: Монография. –Т., 2016. –Б.169.

5. <sup>1</sup> Мирзараимов И.М. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни ошқорлаштиришни олдини олишнинг жиноят-хуқуқий ва криминологик чоралари: Юрид.фан.номз. ... дис. автореф. – Т., 2003. – Б. 12.

6. <sup>1</sup> Змановская Е.В. **Профилактика девиантного поведения молодежи:** Учебное пособие. – СПб., 2010. – С. 62.

7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати / 80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси

8. <sup>1</sup> Джураева Н. Вояга етмаган шахсларни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этишнинг сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитлар // Вояга етмаганларнинг ишларини юритиш масалалари: Илмий-амалий конференция материаллари. – Т., 2012. – Б. 118.

9. <sup>1</sup> Исмоилов Н.Т. Вояга етмаганлар жиноятларининг индивидуал олдини олиш муаммолари: Юрид. фан. номз. ...дис. – Т., 2006. – Б. 44.

10. Бу ҳақда қаранг: Сахаров А. Б., Саркисов Г. С. Проблема преступности в современных условиях. – Ереван, 1991. – С. 65–66.

11. <sup>1</sup> Кузнецова Н. Ф. Проблемы криминологической детерминации. – М.,

12. Турсунова О.А. Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича профилактик чора-тадбирлар // Хуқуқшунослик истиқболлари: Илмий мақолалар тўплами. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б. 227.

13. <sup>1</sup>Мухторов Ж.С. Жиноятларнинг олдини олишда маъмурий назоратнинг аҳамияти // Хуқуқшунослик истикболлари: Илмий мақолалар тўплами. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б. 97.